

# Бизнес кайфияти шарҳи

2024 йил III чорак



**Бизнес кайфияти шарҳи – Ўзбекистон Республикаси ҳудудларидағи иқтисодий фаоллик, тадбиркорлик муҳити ва бандлик билан боғлиқ тенденцияларни муқобил кўрсаткичлар орқали ўзида ифода этади.**



---

Ушбу шарҳ жорий йилнинг III чорагида мамлакатда шаклланган бизнес кайфиятини ўрганиш мақсадида октябрь ойида ҳудудларда ўтказилган сўров натижалари асосида тайёрланди. Сўровда иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият юритувчи икки мингдан ортиқ тадбиркорлар ижтимоий тармоқлар орқали иштирок этди. Бунда, тадбиркорлик фаолияти йўналишларини кенгроқ қамраб олиш ва репрезентативликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Сўровнома ҳудудлардаги иқтисодий фаоллик, тадбиркорлик шароитлари ва муҳитига таъсир қилувчи омиллар, энергия истеъмоли ҳажми ўзгариши, юқ ташишидаги кўрсаткичлар, соҳаларда ишли кучига бўлган талаб, бандлик даражаси, савдо ҳажми ҳамда соҳа истиқболи бўйича жорий ҳолат ва кутилмаларни аниқлаш бўйича саволлардан ташкил топган.

Ҳар бир саволга бир неча жавоб вариантлари бириктирилган бўлиб, қатнашувчилар томонидан бир пайтнинг ўзида улардан бир ёки бир нечтаси танланиши мумкин. Натижалар ҳар бир жавоб вариантини танлаганлар сонини умумий жавоблар сонига бўлиш ва алоҳида гурухлар бўйича вазнили коэффициентлар қўллаш орқали умумлаштирилган. Умумлаштирилган маълумотлар тақсимот қоидалари асосида таҳлил қилиниб, ўртacha кўрсаткичлар билан таққосланган.

Таҳлиллар мамлакатнинг турли ҳудудларидағи иқтисодий шароитларни қиёсий таққослаш ва уларнинг ўзгариш тенденцияларини сифат жиҳатидан ўрганиш имконини беради.

## **Умумий хуросалар**

### **Тадбиркорлик мұхити**

2024 йилнинг III чорагида республика бүйича умумий тадбиркорлик мұхитида ижобий тенденция сақланиб қолди. Респондентларнинг 57 фоизи бизнес мұхити яхшиланганини қайд этди. Шу билан бирга, сүнгги түрт чорак давомида ушбу күрсаткыч барқарор сақланиб қолди.

Тадбиркорлар томонидан банк хизматтарининг сифати ва рақобат мұхитининг яхшиланиши, кредит олиш имкониятларининг көнгайиши ҳамда лицензия ва гувоҳномаларни олиш жараёнининг соддалашиши бизнес мұхити яхшиланишига ижобий таъсир күрсатған асосий омиллар сифатида қайд этилди.

Шунингдек, тадбиркорлик бүйича айрим йұналишларда барқарорлық күзатилган бўлса-да, божхона тариф ва чекловлари, солиқ маъмурчилиги, монополлашув даражаси ҳамда энергия таъминоти соҳаларида сезиларли яхшиланишлар күзатилмаганлиги таъкидланган.

### **Иқтисодий фаоллик**

2024 йилнинг III чорагида тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаоллиги нисбатан барқарор даражада шаклланди. Респондентлар жавобларида умумий ижобий тенденцияси сақланиб қолиб, уларнинг таркиби тузилиши олдинги чоракка нисбатан сезиларли ўзгармади.

Энергия ресурслари, жумладан газ ва электр энергияси истеъмол ҳажмининг олдинги чоракка нисбатан ўсиш суръатида секинлашиш күзатилди. Сүнгги уч чорак давомида бизнеснинг ишлаб чиқариш ҳажми ва юқ ташиш күрсаткычларида барқарор ўсиш күзатилди. Шу билан бирга, корхоналарнинг қарз юки, барқарор даражада шаклланмоқда.

Ўрганилган даврда корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси олдинги чоракка нисбатан бироз пасайди. Хусусан, II чоракда тадбиркорларнинг 58 фоизи ўрта ва юқори қувватларда фаолият юритган бўлса, III чоракда ушбу күрсаткич 54 фоизни ташкил этди. Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасининг пасайиши асосан Сирдарё, Қашқадарё, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасида күзатилди. Аксинча, Жиззах ҳамда Фарғона водийси худудларида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишда ижобий күрсаткичлар қайд этилди.

Тадбиркорлар томонидан тўлиқ фаолият юритмасликнинг асосий сабаблари сифатида газ ва электр таъминотидаги узилишлар, автомобиль ёнилғи нархининг қимматлаши ҳамда солиқ тизимидағи қийинчиликлар таъкидлаб ўтилди.

### **Бандлик**

Мазкур чоракда қўшимча ишчи кучига бўлган талаб ҳажмида аввалги чоракка нисбатан бироз ўсиш күзатилди. Асосий ўсиш Самарқанд ва Андижон худудларида күзатилган бўлса, Сирдарё ва Қорақалпоғистон Республикасида ушбу күрсаткич бироз пасайган. Соҳалар кесимида туризм, майший хизматлар ва ишлаб чиқариш соҳаларида қўшимча ишчи кучига бўлган талабнинг ўсиши күзатилди.

Келгуси чоракда тадбиркорларнинг қўшимча ишчи кучига бўлган талаб ҳажмида ўсиш суръатлари бироз секинлашиши таҳмин қилинди. Хусусан, қишлоқ хўжалиги, молия ва ишлаб чиқариш соҳаларида ишчи кучига бўлган талабнинг пасайиши кутилаётган бўлса, Самарқанд ва Тошкент шаҳрида етказиб бериш, тиббиёт ва савдо соҳаларида қўшимча ишчи кучига бўлган талабнинг ўсиши кутилаётгани таъкидланди.

### **Пул-кредит**

Сүнгги беш чоракда республика бўйича тадбиркорларнинг қарз юки барқарор даражада шаклланиб келмоқда. Жорий йил бошидан буён тадбиркорларнинг қўшимча кредит инвестицияларига бўлган келажақдаги эҳтиёжлари бўйича прогнозлари пасайиш тенденциясини намоён қилмоқда. Келгуси чоракда ҳам қўшимча кредит қуйилмаларига бўлган эҳтиёж ўртача ҳисобда ўзгармаслиги кутилаётган бўлса-да, Самарқанд, Жиззах ва Тошкент шаҳрида бу күрсаткичининг ўсиши прогноз қилинмоқда.

### **Истиқболлар**

Ўрта муддатли истиқболда мамлакат иқтисодий ривожланиши ва бизнес мұхитининг яхшиланишига бўлган ижобий кутилмалар сақланиб қолмоқда. Шунингдек, ўтган йилнинг тўрттинчи чорагидан буён прогнозлар пасайиш тенденциясини намоён этса-да, умумий даражада улар ижобийлигини сақлаб қолмоқда.



## Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти

2024 йилнинг III чорагида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида сўровда иштирок этган аксарият бизнес вакиллари тадбиркорлик шароитлари яхшиланганини маълум қилди ва уларнинг улуши аввалги чоракка нисбатан 3 фоиз бандга ошиб, 57 фоизни ташкил этди.

Бизнес муҳитидаги ижобий ўзгаришлар асосан банк хизматлари сифати ва кредит олиш имкониятларининг кенгайиши, ҳамда лицензия ва рухсатномалар олиш жараёнининг соддалашуви билан изоҳланади.

Бироқ божхона тариф ва чекловлари, монополлашув даражаси ҳамда солик маъмурчилиги соҳаларида сезиларли ўзгаришлар кузатилмади.


Газ ва электр таъминоти ҳамда йўллар инфратузилмаси бўйича ўртacha ҳисобда баҳолар ўзгармасдан қолган бўлса-да, ушбу соҳаларда яхшиланишларни қайд этган тадбиркорлар улуши кўпайган.

Қурилиш, коммунал хизмат ва савдо соҳаларида тадбиркорлик фаоллиги ўсгани кузатилди. Ушбу соҳаларда ишлаб чиқариш ва буюртмалар ҳажми, шунингдек, кредит ҳамда қарз тўловлари ҳажми аввалги чоракка нисбатан ошган.


Шу билан бирга, ҳудудда ишлаб чиқариш ва буюртмалар ҳажми ўртacha даражада ошгани қайд этилган. Ёқилғи ва энергия истеъмоли, қўшимча ишчи кучига бўлган талаб ҳамда қарз юкламалари эса барқарор даражада сақланиб қолган.

III чорақда нисбатан паст ишлаб чиқариш қувватларида фаолият олиб борган тадбиркорлар улуши олдинги чорақдаги 42 фоиздан 50 фоизгача ошди. Ушбу гуруҳни асосан таълим, ишлаб чиқариш ва умумий овқатланиш соҳалари ташкил этган.


**1-расм. Соҳалар кесимида бизнес кайфияти ўзгариши, респондентлар улуши, фоизда**



**2-расм. Бизнес кайфиятига таъсир этган омиллар, респондентлар улуши, фоизда**



**3-расм. Иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари, респондентлар улуши, фоизда**





## Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти

Ўрта ва нисбатан юқори қувватларда асосан алоқа ва ахборот технологиялари, ташиш хизматлари, молия ҳамда тиббиёт соҳаларидаги тадбиркорлар фаолият юритган.

Тўлиқ қувватда ишламасликнинг асосий сабаблари сифатида ижара харажатларининг юқорилиги ва талабнинг нисбатан пастлиги таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, солиқ тизимидағи қийинчиликлар, хомашё етказиб беришдаги муаммолар ҳамда газ ва электр таъминотидаги узилишлар қайд этилган.

**Келгуси чорак бўйича кутилмалар**  
Келгуси чорақда ёқилғи ва энергия истеъмоли ҳажмининг ўсиши секинлашиши кутилмоқда.

Қўшимча ишчи кучига бўлган талабнинг ортиши бўйича кутилмалар ҳам юқорилади. Бу кутилмалар асосан коммунал хизматлар, қурилиш, таълим ва умумий овқатланиш соҳалари вакиллари томонидан қайд этилди.


Юқ ташиш ҳажми бўйича ижобий кутилмалар ўрта ҳисобда бироз пасайган бўлса-да, майший хизматлар, ташиш хизмати ва тиббиёт соҳаларида ўсиш кутилмоқда.

Келгуси чорақда буюртмалар ҳажми ошиши бўйича кутилмалар сақланиб қолмоқда. Қурилиш, коммунал хизматлар ва хунармандчilik соҳалари вакилларида буюртмаларнинг ошиши бўйича ижобий кутилмалар мавжуд.


Кредитга бўлган эҳтиёж қурилиш, савдо, коммунал хизматлар ва умумий овқатланиш соҳаларида юқори бўлиши кутилмоқда.

Респондентларнинг келгуси 3 йилда мамлакат иқтисодиёти ва бизнес истиқболлари бўйича ижобий кутилмалари 60 фоиздан 62 фоизгача ошгани қайд этилди.

4-расм. Айрим кунларда фаолият юритмаслик сабаблари, жами респондентларнинг улуши, фоизда



5-расм. Келгуси чорак бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда



6-расм. Келгуси 3 йилда иқтисодиёт ва бизнес истиқболлари бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда





## Бухоро, Навоий, Самарқанд

2024 йилнинг III чорагида Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятлари тадбиркорларининг 57 фоизи бизнес шароитлари яхшиланганини қайд этди. Айниқса, илм-фан/таълим, тиббиёт ва хунармандчилик соҳаларида фаолият юритаётган тадбиркорларнинг бизнес кайфияти сезиларли даражада ошган. Шунингдек, қурилиш, молия ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида бизнес шароитларининг яхшиланганини билдирган тадбиркорлар улуши аввалги чоракка нисбатан бироз пасайган.

Тадбиркорлар чорак давомида банк хизматлари сифати ҳамда рақобат муҳити яхшиланганини, шунингдек, кредит ва лицензиялар олиш жараёни соддалашганини маълум қилишди. Бироқ солиқ маъмурчилиги, божхона тариф ва чекловлари ҳамда энергия таъминоти соҳаларида ижобий ўзгаришлар кузатилмаган.


Солиқ маъмурчилиги ва маъмурий аралашувлар борасида ижобий ўзгаришлар рўй бермагани сўнгги уч чорак давомида таъкидлаб келинмоқда. Шунингдек, маъмурий аралашувлар бўйича ҳолатнинг ёмонлашганини қайд этган тадбиркорлар улуши сўнгги чорақда бироз кўпайган.

Газ ва электр таъминоти бўйича тадбиркорларнинг умумий баҳолари ўзгармасдан қолган бўлса-да, ушбу йўналишларда яхшиланишларни қайд этган бизнес вакиллари сони ортган.

Ёқилғи ва энергия истеъмол ҳажмининг ўсиш суръати ўтган чоракка нисбатан камайиб, қурилиш ва умумий овқатланиш соҳаларида энергия истеъмол ҳажми сезиларли пасайган. Бироқ туризм ҳамда коммунал хизматлар соҳаларида эса аксинча энергия истеъмол ҳажми бироз ошган.

Қўшимча ишчи кучига бўлган талаб ўртacha ҳисобда ошган бўлиб, асосий ўсиш алоқа ва ахборот технологиялари, майший хизматлар ҳамда ишлаб чиқариш соҳаларида кузатилган. Қурилиш ва қишлоқ хўжалигига эса талаб бироз камайганлиги кузатилди.


**7-расм. Соҳалар кесимида бизнес кайфияти ўзгариши, респондентлар улуши, фоизда**



**8-расм. Бизнес кайфиятига таъсир этган омиллар, респондентлар улуши, фоизда**



**9-расм. Иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари, респондентлар улуши, фоизда**





## Бухоро, Навоий, Самарқанд

Буюртмалар ҳажми учинчи чорақда кўпайиб, бу борада тиббиёт, хунармандчилик ва майший хизматлар соҳаларида сезиларли ўсиш кузатилган. Шунингдек, тиббиёт ва туризм соҳаларида кредитлар ва улар бўйича тўловлар ҳажмининг ошгани қайд этилди.

Мазкур даврда ўрта ва нисбатан юқори қувватларда фаолият юритган тадбиркорлар улуши бироз камайганлиги кузатилди. Қувватларнинг паст даражада бўлиши асосан қишлоқ хўжалиги, молия ва ишлаб чиқариш соҳаларида қайд этилди. Аксинча, туризм, умумий овқатланиш ва етказиб бериш соҳаларида эса ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишнинг ортиши қайд этилди.

Тўлиқ қувватда фаолият юритмасликнинг асосий сабаблари сифатида солик тизимидағи қийинчилклар, энергия таъминотидаги узилишлар ҳамда ёнилғи нархининг қимматлашгани таъкидлаб ўтилди.

### Келгуси чорак бўйича кутилмалар


Келгуси чорақда тиббиёт, коммунал хизматлар, туризм ва хунармандчилик соҳаларида энергия истеъмол ҳажмининг юқори даражада ўсиши кутилмоқда.

Қўшимча ишчи кучига бўлган талабнинг ортишига оид ижобий кутилмалар аввалги чоракка нисбатан кўпайган. Бундай ўсиш асосан тиббиёт, алоқа ва ахборот технологиялари ҳамда хунармандчилик соҳаларида қайд этилди.


Тиббиёт, коммунал хизматлар ва умумий овқатланиш соҳаларида келгуси ойларда буюртмалар ҳажмининг ошиши бўйича ижобий кутилмалар маълум қилинган. Шунингдек, тиббиёт ва таълим соҳаларида қўшимча кредит маблағларига бўлган эҳтиёж юқори даражада шаклланиши мумкинлиги қайд этилди.

Сўров натижаларига кўра, келгуси 3 йилда мамлакат иқтисодиёти ва бизнес истиқболлари бўйича ижобий кутилмалар сақланиб қолмоқда. Респондентларнинг 63 фоизи келгуси иқтисодий ривожланишга нисбатан ижобий муносабат билдирган.

**10-расм. Айрим кунларда фаолият юритмаслик сабаблари, жами респондентларнинг улуши, фоизда**



**11-расм. Келгуси чорак бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда**



**12-расм. Келгуси 3 йилда иқтисодиёт ва бизнес истиқболлари бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда**





## Андижон, Наманган, Фарғона

2024 йилнинг III чорагида Фарғона водийсида бизнес шароитларининг яхшиланишини қайд этган тадбиркорлар улуши аввалги чоракка нисбатан бироз пасайиб, 56 фоизни ташкил этди.

Аксарият соҳаларда ижобий ўзгаришлар кузатилган бўлиб, бу асосан банк хизматлари сифати, кредит олиш имкониятлари ва рақобат муҳити яхшилангани билан ифодаланган.

Шу билан бирга, тадбиркорлар томонидан божхона тарифлари, солиқ маъмурчилиги ҳамда газ ва электр таъминотида сезиларли ижобий ўзгаришлар кузатилмаган.

Ёқилғи ва энергия истеъмоли ҳажми ўтган чоракка нисбатан юқори даражада ўсган. Энергия истеъмол ҳажми асосан ташиш хизмати, кафе-ресторан ва тиббиёт соҳаларида ошган.


Ишлаб чиқариш, ташиш хизмати ва туризм соҳаларида юқ ташиш ҳажми юқори суръатларда ўсган бўлса, бироқ хунармандчилик ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида ушбу кўрсаткич сезиларли даражада пасайган.

Қўшимча ишли кучига бўлган талаб асосан илм-фан/таълим, тиббиёт ва молия соҳаларида ошган бўлиб, бошқа соҳаларда талаб аввалги чорак даражасида сақланган.


Буюртмалар ҳажми ўртача ҳисобда ошган, хусусан, ишлаб чиқариш, туризм ҳамда алоқа ва ахборот технологиялари соҳаларида буюртмалар сони бошқа соҳаларга нисбатан сезиларли ортган. Шунингдек, жорий йил бошидан кредит ва қарз тўловлари ҳажми ўзгаришсиз сақланиб қолмоқда.

Нисбатан юқори қувватларда фаолият юритган тадбиркорлар улуши 65 фоиздан 71 фоизгача ошди. Ўрта ва юқори қувватлардаги фаоллик илм-фан/таълим, майший хизматлар ҳамда умумий овқатланиш соҳаларида юқори даражада шаклланган.


**13-расм. Соҳалар кесимида бизнес кайфияти ўзгариши, респондентлар улуши, фоизда**



**14-расм. Бизнес кайфиятига таъсир этган омиллар, респондентлар улуши, фоизда**



**15-расм. Иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари, респондентлар улуши, фоизда**





# Андижон, Наманган, Фарғона

Нисбатан паст қувватларда фаолият юритган тадбиркорлар энергия таъминотидаги узилишлар, талабнинг етарли эмаслиги ва солиқ тизимидағи қийинчиликларни асосий тўсиқлар сифатида кўрсатиши.

## Келгуси чорак бўйича кутилмалар

Келгуси чорақда айрим тадбиркорлар томонидан ёқилғи ва энергия истеъмол ҳажмининг ошиши кутилмоқда. Буни ўсиш асосан умумий овқатланиш, майший хизматлар ва ишлаб чиқариш соҳалари вакиллари қайд этган.

Юк ташиб ҳажми ортиши бўйича ижобий кутилмалар олдинги чоракка нисбатан бироз пасайди. Шунингдек, қўшимча ишчи кучига бўлган талабнинг ўсиш суръати секинлашиши кутилмоқда. Бу асосан молия, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида қайд этилган.


Хунармандчилик, коммунал хизматлар ва умумий овқатланиш соҳаларида келгуси ойларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмининг кўпайиши кутилмоқда.

Буюртмалар ҳажми бўйича ҳам ижобий кутилмалар сақланиб қолиб, умумий овқатланиш, майший хизматлар ва хунармандчилик соҳаларида талабнинг ўсиши кутилмоқда.


Қўшимча кредит маблағларига бўлган эҳтиёжи мавжудлигини билдирган тадбиркорлар улуши II чоракка нисбатан бироз пасайган. Хунармандчилик, савдо, қурилиш ва таълим соҳаларида кредитларга бўлган талабнинг камайиши кутилмоқда.

Сўров натижаларига кўра, респондентларнинг 61 фоизи келгуси 3 йилда мамлакат иқтисодиёти ва бизнес истиқболлари бўйича ижобий кутилмаларга эга. Бироқ иккинчи чоракка нисбатан оптимистик кутилмалар камайиши кузатилди.

**16-расм. Айрим қунларда фаолият юритмаслик сабаблари, жами респондентларнинг улуши, фоизда**



**17-расм. Келгуси чорак бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда**



**18-расм. Келгуси 3 йилда иқтисодиёт ва бизнес истиқболлари бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда**





# Қашқадарё, Сурхондарё

2024 йилнинг III чорагида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида бизнес шароитларининг яхшиланишини қайд этган тадбиркорлар улуши 55 фоиздан 61 фоизгача ошди. Майший хизмат, ташиш хизмати, тиббиёт ва хунармандчиллик соҳаларида фаолият олиб борадиган тадбиркорлар бизнес муҳити яхшиланишини кўпроқ сезишган.

Тадбиркорлар бизнес кайфиятининг яхшиланишини банк хизматлари сифати ўсиши ва кредит олиш имкониятларининг кенгайиши, рақобат муҳитидаги ижобий ўзгаришлар ҳамда йўл инфратузилмасининг яхшиланиши билан изоҳлаган. Йўл инфратузилмасида сезиларли яхшиланишни қайд этган тадбиркорлар улуши аввалги чоракка нисбатан 19 фоизга кўпайган.

Солиқ маъмурчилиги, божхона тариф ва чекловлари, шунингдек, лицензия ва гувоҳномаларни олиш жараёнларида сезиларли ўзгаришлар кузатилмаган.


Таълим, тиббиёт ва ташиш хизматлари соҳаларида энергия ресурслари таъминотига оид ижобий ўзгаришлар кузатилмаган бўлса-да, бошқа аксарият соҳаларда ижобий ўзгаришлар қайд этилган.

Ёқилғи ва энергия истеъмол ҳажми ўтган чоракка нисбатан бироз пасайган. Бу пасайиш асосан туризм, тиббиёт ва майший хизматлар соҳаларида кузатилди.


Қўшимча ишчи кучига бўлган талаб ўзгаришсиз сақланиб қолиб, фақатгина молия ва майший хизматлар соҳаларида талабнинг бироз ошганлиги қайд этилган. Юк ташиш ҳажми эса аввалги чорак даражасида сақланиб қолган.

Буюртмалар ҳажмида ўсиш асосан умумий овқатланиш, қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш соҳаларида кузатилган. Шу билан бирга, кредитлар бўйича тўловлар ҳажми чорак давомида ўзгаришсиз сақланиб қолган.


## 19-расм. Соҳалар кесимида бизнес кайфияти ўзгариши, респондентлар улуши, фоизда



## 20-расм. Бизнес кайфиятига таъсир этган омиллар, респондентлар улуши, фоизда



## 21-расм. Иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари, респондентлар улуши, фоизда





# Қашқадарё, Сурхондарё

III чоракда ўрта ва нисбатан юқори қувватларда фаолият юритган тадбиркорлар улуши 6 фоизга камайган. Қувватларнинг пасайиши асосан қурилиш, коммунал ва майший хизматлар соҳаларида кузатилган. Аксинча, туризм ва етказиб бериш хизматларида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш бироз кўпайган.

Тўлиқ қувватда ишламаган тадбиркорлар талабнинг етарли эмаслиги, газ ва электр таъминотидаги узилишлар ҳамда ёнилғи нархининг қимматлашганини асосий тўсиқлар сифатида таъкидлаб ўтишган.

## Келгуси чорак бўйича кутилмалар

Сўров иштирокчилари келгуси чоракда ёқилғи ва энергия истеъмол ҳажми бўйича ижобий кутилмаларга эга. Бу кутилмалар асосан тиббиёт, умумий овқатланиш ва майший хизматлар соҳаларида шаклланган.

Юк ташиш ҳажми ортиши бўйича ижобий кутилмалар қишлоқ хўжалиги, умумий овқатланиш ва етказиб бериш хизматлари соҳаларида кузатилган.


Кўшимча ишчи кучига бўлган талабнинг ўртача даражада ўсиши кутилмоқда. Молия, ҳунармандчиллик ҳамда ишлаб чиқариш соҳаларида ишчи кучига бўлган кўшимча талаб шаклланиши тахмин қилинмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ва қурилиш соҳаларида буюртмалар ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмининг келгуси ойларда ортиши кутилаётгани маълум қилинган.


Кредит маблағларига бўлган эҳтиёжи мавжудлигини билдирган тадбиркорлар улуши II чоракка нисбатан бироз камайган. Хусусан, қурилиш, ташиш ва алоқа хизматлари соҳаларида кредитларга бўлган талаб пасайиши кутилмоқда.

Худуддаги тадбиркорларнинг кайфиятида ижобий ўсиш кузатилган. Сўров натижаларига кўра, 67 фоиз тадбиркорлар келгуси 3 йилда мамлакат иқтисодиёти ва бизнес истиқболлари бўйича ижобий ўзаришларни кутишмоқда.


**22-расм. Айрим кунларда фаолият юритмаслик сабаблари, жами респондентларнинг улуши, фоизда**



**23-расм. Келгуси чорак бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда**



**24-расм. Келгуси 3 йилда иқтисодиёт ва бизнес истиқболлари бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда**





# Жиззах, Сирдарё

2024 йил III чорак якуни бўйича 52 фоизи респондентлар Жиззах ва Сирдарё вилоятлари худудида бизнес юритиш шароитлари яхшиланганини қайд этган бўлиб, бу кўрсаткич аввалги чоракда 54 фоизни ташкил этган.

Умумий овқатланиш, курилиш, коммунал хизматлар ва ишлаб чиқариш соҳалари вакиллари шароитларнинг яхшиланганини кўпроқ сезган бўлса, туризм, ташиш ва майший хизматлар соҳалари вакиллари шароитлар ўзгаришсиз сақланиб қолганини таъкидлаган.

Тадбиркорлар рақобат муҳити, йўллар инфратузилмаси ва кредит олиш имкониятлари яхшиланганини қайд этган. Божхона тарифлари, монополлашув даражаси ва солиқ маъмурчилигига ижобий ўзгаришлар кўрсаткичи аввалги чорак даражасида ўзгаришсиз сақланиб қолган.

Шунингдек, энергия таъминоти ёмонлашганини қайд этган респондентлар улуши камайган. Аксинча, курилиш, тиббиёт ва таълим соҳаларида энергия таъминоти яхшилангани қайд этилган.


Чорак давомида ёқилғи ва энергия истеъмоли II чоракка нисбатан 7 фоизга қисқариб, истеъмол ҳажмининг ўсиши асосан қурилиш, тиббиёт ва ишлаб чиқариш соҳаларида кузатилган.

Шунингдек, коммунал хизматлар, тиббиёт ва таълим соҳаларида қўшимча ишчи кучига бўлган талаб юқори даражада шаклланган.


Ҳунармандчилик, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш соҳаларида ишлаб чиқариш ҳажми ошгани қайд этилган. Буюртмалар ва хизматлар ҳажмининг ўсиши коммунал хизматлар, қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш соҳаларида кузатилган.

Бизнес вакилларининг 54 фоизи нисбатан ўртача ва юқори қувватларда ишлаганини қайд этган, бу кўрсаткич ўтган чоракка нисбатан бироз пасайган.


**25-расм. Соҳалар кесимида бизнес кайфияти ўзгариши, респондентлар улуши, фоизда**



**26-расм. Бизнес кайфиятига таъсир этган омиллар, респондентлар улуши, фоизда**



**27-расм. Иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари, респондентлар улуши, фоизда**





# Жиззах, Сирдарё

Үрта ва юқори қувватлардаги фаоллик асосан молия, коммунал ва майший хизматлар соҳаларида кузатилган.

Тўлиқ фаолият юритмасликнинг асосий сабаблари сифатида энергия таъминотидаги узилишлар, айланма маблағларнинг етарли эмаслиги ҳамда ёнилғи нархининг қимматлиги кўрсатилган.

## Келгуси чорак бўйича кутилмалар


Тадбиркорлар келгуси чорақда ёқилғи ва энергия истеъмол ҳажмининг юқори ўсишини кутмоқда. Энергия истеъмол ҳажмининг ўсишини асосан курилиш, умумий овқатланиш ва коммунал хизматлар соҳалари вакиллари қайд этган.

Юк ташиш ҳажмининг ортиши бўйича ижобий кутилмалар курилиш ва умумий овқатланиш соҳаларида қайд этилган. Шу билан бирга, тадбиркорларнинг деярли ярми ишчи кучига бўлган талабнинг ўсишини кутмоқда, бу талаб тиббиёт, ишлаб чиқариш, алоқа ва ахборотлаштириш соҳаларида шаклланиши кутилмоқда.


Курилиш ва умумий овқатланиш соҳаларида буюртмалар ҳажми ортиши, шу билан бирга юк ташиш ҳажмининг кўпайиши кутилмоқда. Кредитга бўлган эҳтиёж бўйича ижобий кутилмалар ҳам кўпайган, респондентларнинг 47 фоизи келгуси чорақда кредитга бўлган талабининг ошишини кутмоқда (аввалги чорақда 43 фоиз). Тиббиёт, қурилиш ва умумий овқатланиш соҳаларида кредитларга бўлган эҳтиёж юқори бўлиши кутилмоқда.

Сўров натижаларига кўра, респондентларнинг 59 фоизи келгуси 3 йилда мамлакат иқтисодиёти ва бизнес истиқболларига ижобий баҳо берган (аввалги чорақда 54 фоиз). Бу тадбиркорлар орасида оптимизмнинг ўсиб бораётганини англалади.


**28-расм. Айрим кунларда фаолият юритмаслик сабаблари, жами респондентларнинг улуши, фоизда**



**29-расм. Келгуси чорак бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда**



**30-расм. Келгуси 3 йилда иқтисодиёт ва бизнес истиқболлари бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда**





# Қорақалпоғистон, Ҳоразм

Қорақалпоғистон Республикаси ва Ҳоразм вилоятида тадбиркорлик шароитлари яхшиланганини қайд этган тадбиркорлар улуши биринчи чоракдаги 54 фоиздан 61 фоизгача ошган. Туризм, қурилиш, майший ва ташиш хизматлари соҳаларида ижобий ўзгаришлар кўпроқ кузатилган.

Тадбиркорлар рақобат муҳити, йўллар инфратузилмаси, банк хизматлари сифати яхшилангани ва лицензия ҳамда кредит олиш жараёнларининг соддалашганини таъкидлашди. Шунингдек, солик маъмурчилиги, монополлашув даражаси ва божхона тарифлари бўйича сезиларли ўзгаришлар кузатилмаган.

Энергия таъминоти ҳамда йўллар инфратузилмаси бўйича умумий баҳолар ўзгармасдан қолган бўлса-да, яхшиланишларни қайд этган тадбиркорлар улуши ошган. Бу асосан таълим, молия ва туризм соҳалари вакиллари томонидан билдирилган.


Ёқилғи ва энергия истеъмол ҳажми аввалги чоракка нисбатан пастроқ даражада шаклланган. Истеъмол ҳажмининг камайиши асосан умумий овқатланиш, ташиш хизмати ва савдо соҳаларида кузатилган.

Аксарият соҳа вакиллари қўшимча ишчи кучига бўлган талаб ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўзгаришсиз сақланиб қолганлигини қайд этишган.

Буюртмалар ҳажми ўрта ҳисобда ортиб, туризм, қурилиш ва ташиш хизматларида буюртмалар сони бошқа соҳаларга нисбатан юқори бўлган. Шунингдек, кредит ва қарз тўловлари ўсиши ишлаб чиқариш, майший хизмат ва туризм соҳаларида кузатилган.

Бизнес вакилларининг 48 фоизи нисбатан ўртacha ва юқори қувватда ишлаганини маълум қилди (аввалги чорақда 52 фоиз).


**31-расм. Соҳалар кесимида бизнес кайфияти ўзгариши, респондентлар улуши, фоизда**



**32-расм. Бизнес кайфиятига таъсир этган омиллар, респондентлар улуши, фоизда**



**33-расм. Иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари, респондентлар улуши, фоизда**





# Қарақалпогистон, Ҳоразм

Газ ва электр таъминотидаги узилишлар, айланма маблағнинг камлиги, автомобиль ёнилғи нархи қимматлашгани ҳамда солиқ тизимидағи қийинчилеклар айrim соҳаларнинг түлиқ қувватда ишламаслигига сабаб бўлган.

## Келгуси чорак бўйича кутилмалар

Сўровда қатнашган тадбиркорларнинг 51 фоизи келгуси чоракда энергия истеъмол ҳажми ўсишини кутмоқда. Бу кўрсаткич иккинчи чоракка нисбатан 7 фоиз бандга пасайган.

Ишчи кучига бўлган талабнинг ўсиши борасидаги ижобий кутилмалар пасайган. Талабнинг ўсиши қурилиш, туризм, таълим ва ташиб хизматларида кузатилиши кутишмоқда.


Умумий овқатланиш, қурилиш ва туризм соҳаларида келгуси ойларда ишлаб чиқариш ҳажмлари кўпайишини кутишмоқда.

Аксарият тадбиркорлар буюртмалар ҳажми ошишини тахмин қилмоқда. Улар орасида коммунал хизматлар, етказиб бериш, молия ва ишлаб чиқаришдаги соҳа вакилларининг кутилмалари яхшиланиб бормоқда.


Кўшимча кредит маблағларига бўлган эҳтиёж ортишини билдирганлар камчиликни ташкил этмоқда. Фақатгина таълим ва етказиб беришда қўшимча кредитларга бўлган эҳтиёж мавжудлиги кузатилмоқда.

Сўровда қатнашган респондентларнинг келгуси 3 йилда мамлакат иқтисодиёти ва бизнес истиқболлари бўйича кутилмалари аввалги чоракка нисбатан бироз яхшиланган, умумий хисобда 65 фоиз тадбиркорларда ижобий кутилмалар шаклланмоқда.

**34-расм. Айрим қунларда фаолият юритмаслик сабаблари, жами респондентларнинг улуши, фоизда**



**35-расм. Келгуси чорак бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда**



**36-расм. Келгуси 3 йилда иқтисодиёт ва бизнес истиқболлари бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда**

